

Ички ишлар органлари мақомининг ҳуқуқий кафолати ва қонунийлик

Жорий йилнинг 17 сентябрида ички ишлар органларининг мақомини, биринчи навбатда, қонун устуворлигини, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича улар фаолиятининг шакллари ҳамда усулларини аниқ белгилаб беришга қаратилган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон -Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинди.

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни ижро этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайёрланиб, парламентнинг қуйи палатасига киритилган эди. Мустақиллигимизнинг ўтган даври мобайнида қонун устуворлиги конституциявий принципини таъминлаш ва амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда кенг кўламли ислохотлар олиб борилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, шу жумладан, ички ишлар органлари самарали фаолият кўрсатапти. Ушбу кенг кўламли ишларнинг натижаларини барчамиз тинчлик, осудалик ҳамда фаровонлик ҳукм сураётган ҳаётимизда яққол кўриб турибмиз. Ўзбекистоннинг бу борадаги эришган ютуқларини бугун бутун жаҳон эътироф этмоқда. Таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳасини ислох этиш ва демократлаштириш жараёни тез ҳамда осон ҳал бўладиган вазифа эмас. Бу Конституциямизда муҳрлаб қўйилган мақсадларимиз ва принципларни амалга ошириш йўлидаги узлуксиз давом этадиган, турмушимизни кундан-кунга фаровон, эркин ҳамда озод қиладиган жараёндир. Шу маънода, ички ишлар органлари тўғрисидаги қонунни қабул қилиш кўпгина омиллар билан боғлиқ бўлиб, энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек, давлат ҳокимияти ҳамда бошқарувини янада демократлаштириш зарурати билан белгиланади. Саккизта боб ва 49 та моддадан иборат ушбу Қонун ички ишлар органлари тизими ҳамда тузилишини, уларнинг мажбуриятлари, ҳуқуқлари ва ваколатларини, уларнинг ходимларига нисбатан қўйилган талабларни, шунингдек, уларни ижтимоий ҳамда ҳуқуқий муҳофаза қилиш чораларини аниқ белгилаб беради. Қонунда ички ишлар органларининг асосий вазифалари, фаолият йўналишлари ва принциплари мустаҳкамлаб қўйилди. Ички ишлар органлари зиммасига фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик - шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ҳамда давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини амалга ошириш вазифалари юклатилди. Қонунда ички ишлар органлари фаолиятининг асосий принциплари сифатида умуминсоний қадриятлар мустаҳкамланган. Қонунийлик, ягоналик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этиш ва ушбу ҳуқуқлар, -эркинликлар ҳамда қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш, очиқлик ва шаффофлик шулар жумласидан бўлиб, улар аниқ юридик мазмун билан тўлдирилган. Қонунда халқаро ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мос равишда ички ишлар органлари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар ҳимоя қилинишини таъминлаши белгиланди. Ички ишлар органларининг фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкани ҳимоя қилиш,

жиноятларнинг, бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ҳамда уларни фош қилиш, жамоат жойларида фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича аниқ вазифалари белгилаб қўйилганлиги уларнинг жамият ва давлат олдидаги масъулиятини сезиларли даражада оширади. Қонунда ички ишлар органлари хизматига қабул қилишга доир қўйилган асосий талабларга, хизматни ўташ тартиби ҳамда шартларига алоҳида ўрин ажратилган. Шунингдек, ички ишлар органлари ходимлари томонидан айрим мажбурлов чораларини, жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллашнинг аниқ асослари — тартиби ҳамда шартлари белгилаб қўйилган бўлиб, бу, ўз навбатида, мазкур жараёнда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини кафолатлашда муҳим ўрин тутди. Қонуннинг тўла маънода кучга кириши учун амалдаги бир қатор қонун ости ҳужжатларини унинг нормаларига мувофиқлаштириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш зарур. Шу боис мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг кучга кириши учун олти ойлик - муддат белгиланди. Умуман олганда, ушбу Қонуннинг амалда татбиқ этилиши ички ишлар органлари мақоми ҳамда нуфузини мустаҳкамлашга, улар фаолиятида қонунийликни таъминлашга, шунингдек, ходимларнинг ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни ижро этиш бўйича масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Раҳимжон ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати.